



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ЖАЛД СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2001 йил 9 июль шанба  
Сотувда эркин нархда № 113 (2675)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамасининг  
ҚАРОРИ  
Қорақалпоғистон Республикаси ва  
Хоразм вилоятида аҳолини  
ижтимоий муҳофаза қилишга доир  
қўшимча чора-тадбирлар ҳамда сув  
тақчиллиги оқибатларини  
енгиллаштириш тўғрисида

Сув тақчиллигидан зарар кўрган Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти аҳолисини ижтимоий муҳофаза қилиш, ушбу минтақаларни сифатли ичимлик суви билан барқарор таъминлашни таъминлашда амалий ёрдам кўрсатиш, сув тақчиллиги туфайли қишлоқ хўжалиги корхоналарининг вақтинча ишламаётган ҳодимларини иш билан таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти аҳолисини ичимлик суви таъминотини яхшилаш чора-тадбирлари ва уларни маблағ билан таъминлаш манбалари дастури тасдиқлансин.
2. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг сув тақчиллигидан зарар кўрган туманлар аҳолисини моддий-техника ёрдами кўрсатиш, шунингдек, 2001 йил ёз-куз даврида сув таъминоти таъминлаш учун:
3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва Хоразм вилояти ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат геология қўмитаси билан биргаликда 2 hafta муддатда ичимлик суви таъминотининг барча қудуқларини хатловдан ўтказилсин.
4. Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки ҳамда хорижий давлатларнинг қарзлари,

## ГУУАМ ҲАМКОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Президент Ислам Каримов ГУУАМнинг Ялта саммитида иштирок этди



Давлатлараро тузилмага қарши қўйилмаган, фақат ўзаро манфаатдорлик асосида иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга қаратилган бирлашмадир. У асосийси ёки ҳарбий-сиёсий ташкилот эмас. Моҳиятан, ГУУАМ сиёсийлашган ё ҳарбийлашган ташкилот бўла олмайди ҳам. Бунга исбот сифатида тузилма аъзолари бўлган давлатларнинг жугрофий жойлашувини келтириш старли.

ганидек, биз жаҳон бозори-га олиб чиқувчи йўллари кўпайтириш ҳаракатидамыз. Унутмаслик керакки, Афғонистондаги можаро сабабли жанубий йўллардан фойдаланишимиз қийин, анча хавфли. Шарқий ва ғарбий йўналишлар ҳам йўқ эмас. Сарахс-Тежана-Машҳад йўналиши орқали Форс кўрфазига, Андижон-Уш-Қашқар йўналиши бўйича Хитой портларига чиқиш мумкин. Лекин дунёнинг ривожланган қисми билан алоқани кенгайтиришимиз учун йўлларимиз Европага ҳам уланishi керак. Бунда МДХ доирасидаги коммуникация тармоқлари, Туркия ва Болгарияга олиб чиқадиган Боку-Супса йўналиши каби ҳаракат йўлақларининг аҳамияти катта бўляпти. Лекин бу йўллар бўйидаги давлатларнинг жугрофий жойлашувини, иқтисодий салоҳиятини, коммуникациявий имкониятларидан шу вақтгача тўла фойдаланилмай келмоқда. Баъзан четдан келтирилган товаримизнинг йўлқираси унинг нархидан қиммат бўлиб кетяпти. Демак, Ўзбекистонга энг яқин, энг арзон, энг қўлай ва энг хавфсиз йўллар, шунингдек, ишончли шериклар, ишончли йўлқираси ва уларнинг ҳудудидан ўтайдиган йўллар эса ана шу мақсадга хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда).

Крим — ажойиб ўлка. Уни таърифлашга ҳар қанча уринманг, нимадир унутилгандек, нимадир етмасгандек туюлаверали. Ялта эса шу гўзал ўлканинг юрагидир. Кўпчилик мовий денгиз, даракларга бурканган тоғларни назарда тутиб, Ялтани энг яхши истиродаҳт масканларидан бири, деб ҳисоблайди. Лекин унинг шухрати дам олиш маскани, деган ном билан чекланмайди. Ялта дунё сибсатида катта ўзгаришларга сабаб бўладиган учрашувлар мезбони ҳамдир. «Левадия» саройида 1945 йил 4-11 феврал кунлари бўлиб ўтган машҳур Крим конференцияси фашизмга қарши курашнинг бурилиш босқичини бошлаб берган эди. Европани озод қилиш ва фашизмни ер юзидан бутунлай қуритиш режалари ҳам ушунда тузилган. ГУУАМнинг илк расмий саммити айнан шу ерда ташкил этилганда ҳам ўзига хос маъно бор. «Ливадия» — хосиятли макон. Ялта саммитининг энг муҳим натижаси, шубҳасиз, ГУУАМ Хартиясининг қабул қилинишидир. Бу ҳужжат янги тузилмани халқаро муносабатлар тизимининг тўлақонли субъектига айлантди. Шу билан бирга, бирлашма ҳақидаги ҳар хил асосси башорату тахминларга чек қўйди. Ялта учрашувидан рўй-рост айтилдики, ГУУАМ ҳеч бир давлат ёки

### Суд-ҳуқуқ ислоҳотларини чуқурлаштириш йўлида

2001 йил 8 июн кунини Қарши шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ҳамда суд-ҳуқуқ соҳасида тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳи томонидан ташкил қилинган «Демократик жараянлар ва суд-ҳуқуқ ислоҳотлари» мавзусида минтақавий семинар бўлиб ўтди. Семинар ишида Сурхондарё, Бухоро ва Қашқадарё вилоятлари фуқаролари ва жиноят ишлари бўйича вилоят судлари судьялари, Судьяларнинг малака ҳайъатлари аъзолари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Аллия вазирлиги ҳузуридаги Судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жихатдан ва моливий таъминлаш департаменти ҳудудий бўлиmlари маъсул ҳодимлари иштирок этдилар. Семинар қатнашчилари суд-ҳуқуқ ислоҳотлари мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ташаббуси билан ўтказилган давлат ва жамият ҳаётини демократлаштириш жараёнининг узвий қисми бўлиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суд

ни берганлигини эътироф этдилар. Қонунийлик киритилган бу ўзгаришлар ишларни ўз вақтида сифатли ва адолатли ҳал қилишни таъминлабгина қолмай, суд жараёнида иштирок этаётган фуқароларнинг ортиқча сарсон бўлишларига ҳам барҳам беради. Судьялар суд қарорлари ҳамда ҳукмларининг қонунийлиги, асослиги ва адолатлигини апелляция, кассация ва назорат тартибиде текшириш борасида суд амалиётини тақомиллаштириш ҳамда ҳар бир ишнинг адолат таъминини асосида, қонун талабларига қатъий риоя этган ҳолда ҳал қилинишини таъминлаш йўллари ҳақида маслаҳатлашиб олдлар. Ўзбекистон Республикаси Аллия вазирлиги ҳузуридаги Судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жихатдан ва моливий таъминлаш департаменти ва унинг жойлардаги бўлиmlари фаолиятини қўнун талабларига келиб чиққан ҳолда тўғри йўлга қўйиш заруритини, Департаментнинг ҳудудий бўлиmlари судьяларга номзодлар захирасида туриши истаган ҳар бир ишнинг ҳужжатларини ўз вақтида ва тўлиқ расмийлаштириб, Судьяларнинг малака ҳайъатларига захирала олиш масаласини ҳал этиш учун тақдим этишлари шарт эканлиги, судларнинг моддий-техника жихатдан таъминлаш ишларини жонлантириш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

### Шу азиз Ватан — барчамизники

## Жилоланар гўзал Наманган

Наманганда бўлганмисиз? Унинг сўлим Чортоғио Кукаройда ёхуд водий дарвозаси бўлган Попу парилар юрти — Олмосда бир бора бўлган киши Наманганнинг нафақат гуллар шаҳри, балки жаннатмонанд гўша эканига ишонч ҳосил қилмоғи мумкин. Кеча республика Бадий академиясининг кўргазмалар залида «Шу азиз Ватан — барчамизники» шифори остида ўтказилган фестивалнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Наманган вилояти меҳнат аҳлининг мушаккил йилларидаги улкан ҳидкорлик ишлари ҳақида хидкор қилувчи ушбу фестивалнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев сўзга чиқди. Тадбирда сўз олган Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Бош директори Мурод Муҳаммад Дўст, Наманган вилояти ҳокими уринбосари Б.И.Рисов фестивалнинг аҳамияти ҳақида сўз юритдилар. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Бадий академияси, «Маънавият ва маърифат» кенгаши, Наманган вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу кўргазмани томоша қилар экансиз, камалакдек жило берувчи, Наманганнинг атласларидан адраслари, зардуғилигу заргарлик буюмлари, етти иқлимга машҳур Чуст дўппиларию халқ ҳунармандчилиги намуналари — барча-барчаси гўё Наманган бўлиб қаршингизда адл турала. Корхонамиз вилоятимизнинг энг кенжа жамоаларидан, дейди фестивал иштирокчиси, «Намбум» қўшма корхонаси ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Хусниддин Ҳамидов. — Ҳозир бу ерда кунига 10 тоннадан зиёд тўрт хил турдаги қоғоз ишлаб чиқариляпти. Тўғри, асосий хомашё — целлюлоза Россиядан келтириляпти. Яқин ойлар ичида хомашё ҳам ўзимиздан чиқадиган бўлади. Пахта лингидан целлюлоза ишлаб чиқарадиган цех қуриляётгани бунга имкон яратлади. Корхона тўла қувват билан ишлаш бошлашса, қарийб 300 нафар наманганлик ёшлар таъминланадир. Эътироф этиш керак, бундан бир неча йил муқаддам аграр вилоят ҳисобланган Наманган бугун саноати ривожланган ҳудудга айланди. Унлаб қўшма корхоналар бунёд этилди. — Биз фестивал баҳона халқ ҳўжалиги корхоналари маъсулларни, халқ амалий санъатидан намуналар келтирдик, — дейди Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати, халқ шоири




Ҳабиб Саъдулла. — Бироқ биз олиб келолмаган нарсалар ҳам бор. Бу — одамлар рудидидаги кўтаринкилик, бутунги дорилмон кунларни қадарлаш асносида эртанги порлоқ кунларга замин ҳозирлаш. Бунга йиқилган Наманганга бориб, улар билан ҳамсуҳбат бўлган кишиларгина теран англайди. Кўргазмада намойиш этиляётган «Наманган: кеча, бугун, эртага» расмлар мажмуаси, халқ ҳунармандчилиги намуналари гўё сизга вилоятнинг мушаккиллик йилларидаги улкан бунёдкорлик ишлари ҳақида хидкор қилади. Ўзбекистон халқ артисти Камолдин Раҳимовнинг йилорт қўшиқларини вилоят фольклор дастасининг лапару алёрлари эса фестивалга янада жозоба бахш этади. **Мажжуда ХОЛМАТОВА, «Халқ сўзи» муҳбири.**

### Дипломатия муносабатлари ўрнатилди

Нью-Йоркда Ўзбекистон Республикаси ва Коста-Рика Республикаси ўртасида дипломатия муносабатларини ўрнатish тўғрисидаги Қўшма комиссияни имзолаш маросими бўлиб ўтди. Битимни Ўзбекистон ва Коста-Риканинг БМТ ҳузуридаги доимий вакиллари имзолашди. Расмий имзолаш маросимида кейин бўлиб ўтган мулоқот чоғида томонлар икки томонлама дипломатия муносабатлари ўрнатилиши дўстона алоқаларни ривожлантириш ва мустақамлашга имкон бериши, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ва Коста-Рика Республикаси ўртасида ўзаро тушуниш ва ҳамкорликка хизмат қилишига ишонч изҳор этдилар. **«Жаҳон» АА.**

### Муруват ёрдамлари — муҳтожларга

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ташаббуси билан мамлакатимизнинг мураккаб экологик минтақаларида яшовчи аҳоли, шунингдек, аҳолининг кам таъминланган қисмига қўйлаб муруват ёрдамлари кўрсатиляпти. Кеча ушбу жамғармада юртимизда фаолият юрятьётган фирма ва хорижий ҳамкорларнинг муруват ёрдамларини топириши маросими бўлиб ўтди. Хусусан, жамғармага «Сонтеграп International» компанияси 133440 АҚШ доллари тенг 1200 донга ётоқ қоплари, «Мерк КГА» фирмаси ваколатхонаси 21520 АҚШ доллари ва 2 миллион сўмлик микродориди юрак-қон, онкологик хасталикларни олдини олишда қўлланладиган дорилармонлар, «Супермед» фирмаси 3 миллион сўмлик «ЭХВ4-100» электр жарроҳлик аппаратлари, «Солвей Фарма» сўйюккалс ГмбХ» фирма эса 42,7 миллион сўмлик «Инфлювак» вакцинасини топириди. Шуниси эътиборликки, ушбу дорилармон, тиббиёт асбоб-ускуналари ва ётоқ қопларининг асосий қисми шу ернинг ўзида Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларидаги «Соғлом авлод учун» жамғармасининг минтақавий бўлиmlарига топирилади. **Раъно ЖАЛИЛОВА.**



### Мардлар кўриқлайди Ватанини!

## Жасур ўғлонларга сўянади эл

Авал хабар қилганимиздек, шу кунларда Сурхондарё вилоятининг тоғли туманларида Ўзбекистон Республикасининг Куролли Кучлари режасига мувофиқ жанговар ҳарбий ўқув машқлари бўлиб ўтаётир. Унда Муҳофаза вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг махсус бўлиmlари иштирок этмоқда. Капитан Жаҳонгир Далажонов етакчилигидаги бўлими аскарларига «Н» квадратини қўздан кечириш, «душман» позицияси аниқланган тақдирда бутунлай зарарсизлантириш вазифаси топирилди. Олдин разведка гуруҳи ишга киришди. Бундай топириқларни зудликда сифатли бажаришга одатланган сержантлар Санжар Аҳмедов ва Неймат Очлов уч-тўрт дақиқа ичида координатларни аниқлашди. Маълум бўлишича, «душман» ҳў-ў анави даранинг биқинига бекиниб олган. Санжар

ўз капитанига ўша жойни харитадан кўрсатди. Шундан сўнг капитан Далажонов сал нарида турган йигитларга бармоқлари ёрдамида икки хил белги кўрсатди. Аскарлар на-вбатма-навбат забот этилиши лозим бўлган марра томон ақинлаша бошладилар. Бу жасур ўғлонлар кўздан кетмасдан шундай катта тезликда чапоб тушишдики, туртиниб кетмас-микин деб ҳам ҳаяжон босади, ҳам ҳайратингиз ошади.



Аскарлар ўқ отиш учун қўлай бўлган нуқтага бориб жойлашди. Кичик гуруҳ раҳбари лейтенант Абдували Зулуноннинг ипораси билан сержантлар Йўлчи Раҳмонов, Зафар Алеев ва Бўрон Мирзаевлар турли қуроллардан нишонни мулжаллаб ўқ отишди. «Душман» позицияси олов ичида қолди. Яна разведка гуруҳи ишга киришди. Марра чиндан ҳам забот этилганга ишонч ҳосил қилингандан кейин капитан Далажонов қўлидаги алоқа воситасининг тугмасини босди: «Уртоқ полковник, топириқ алоқа даражада бажарилди. «Н» квадрати бутунлай тозаланди». Ана шундай жасур ўғлонларимиз бор экан, ал-юртимиз тинч, осмонимиз доимо мушарроф бўлади, халқимиз бунёдкорлик йўлида осойишта ҳаёт кечиради. Жанговар машқ майдонидан қайтарганимиз, биз бунга қатъий амин бўлидик. **Озод РАЖАБОВ, «Халқ сўзи»нинг махсус муҳбири. Абдувоҳид ТўРАЕВ (ЎЗА) олган суратлар.**



Ўзбекистон — Япония

Ҳамкорликнинг янги босқичи

Республикамизнинг Япониядаги элчихонаси томонидан ташкил этилган юртимизга бағишланган кўргазма экспозицияси кўпчиликка катта қизиқиш уйғотди. Унда Ўзбекистоннинг энгил, тўқимачилик, мева-сабзавот ва озиқ-овқат санъати корхоналарининг маъмулоти намуналари намойиш этилди.

Ҳаётимизда телефон энг зарур эҳтиёжлардан бирига айланган қолган. Ҳозир ундан фойдаланмайдиган ёки уйга телефон ўрнатгани хоҳламайдиган одамни топиш қийин. Хўш, аҳолининг бу эҳтиёжи мамлакатимиз пойтахтида қандай ҳал этилмоқда? Бу борада қандай муаммолар мавжуд? «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» акциядорлик жамияти бош директори Саидқабар АбЗАМОВга шу ҳусусда бир неча саволлар билан мурожаат қилдик.

— Саидқабар Абзамович, биз тарихий бир жараённи бошдан кечиряёмиз. XX аср якулида. Янги аср информатсия-ахборот аси бўлиши ҳақида гапирилмоқда. Илгари телефон ўрнатилиш учун узок вақт навбатда туриш, бехисоб оворагарчиликларга дуч келиш керак эди. Бугун бу масала қандай ҳал қилинмоқда?

— Уринди савол бердингиз. Давр ўзгариши билан техника ҳам замонавийлашиб кетди. Шу билан бирга, алоқа тизимидаги ислохотлар ҳам ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Тармоққа чет эл инвестицияси жалб қилиниб, жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган технологиялар қўлланилди. Утган 2000 йили шаҳар аҳолисига 29353 та телефон ўрнатиб берилди. Шу жумладан, аввалги йилларда ҳал этилмаган келишган аризалар сона тўрт мингга камайди. Режа бўйича 2001-2002 йилларда телефон тармоғининг умумий ҳажми 26 минг рақамга, рақамли АТСлар ҳажми эса бир ярим маротабага ошади. 51 минг ҳажмли эски АТСлар янги, рақамли билан алмаштирилиши мўлжалланган. Яқин йиллар ичида шаҳар аҳолисининг телефонга бўлган эҳтиёжи тула қондирилади.

Телефонсиз яшаш мумкинми?

мо бор. Кўп йиллик тажрибадан маълумки, агар уйда электр, газ, сув бўлмай қолса, телефон ишланмаса, одамлар биринчи навбатда телефон юзасидан шикоят қилади. Чунки у бошқа муаммоларни ҳал эта олмай ягона хизмат турилади. Лекин бизда ўзимизга болиқ бўлмаган муаммолар ҳам мавжуд бўлиб, улар алоқа сифатида сезиларли таъсир этади ва абонентларимизга аянгина ноқулайликлар туғдиради.

Кейинги пайтда бизни жиддий ташвишлантираётган бундай муаммолардан бири кабелларнинг ўғирлиги иди. Яқинда Сирғали туманида 80 метр кабел ўғирлаб кетилди. Натيجида икки мингдан зиёд аҳоли бир неча кунга қадар телефон алоқасиз қолди. АЙДОЛОР ВОҚЕА жойида ушланб, милиция органларига топширилди. Улар жазосини олади, албатта. Бироқ, афсуски, бундай воқеалар қайта-қайта. Бундан ташқари, кабелларнинг ер остидан ўтиб намлиқда жой-

нарх-наволар, берилган имтиёзлар бўйича маълумотлар мавжуд.

— Замонавий техника ва технологияси шу куннинг талаби даражасида хизмат кўрсатиб бўлмайди. Бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Ҳозир мавжуд АТСлардаги эскирган қисмларни электрон ускуналарга алмаштириш, янги станциялар қуриш ишлари олиб боришмоқда. Телекоммуникация тармоғини ривожлантириш миллий дастурига асосан, эскирганларнинг ўрнига янгилари қурилади. Электрон АТСлар ускуналарини қайта тақсимлаш натижасида эса кўчма АТСлар барпо қилинди. «Биллинг» маркази ишга тушириш арафасида турибди. Шунингдек, маълумотларни узатиш тармоғини мукамаллаштириш ишлари бажаришмоқда. Корхонамиз Интернет хизматини кўрсатиш имкониятига ҳам эга.

Тошкентда барча электрон АТСлар, тармоқ аналогли АТСларини бирлаштирувчи катта транспорт телекоммуникация ҳалқаси қурилади ва фаолият кўрсатмоқда. Алоқа иншоотларининг реконструкцияси ва қурилиши «ALKATEL», «SIEMENS», «ITALTEL», «NEC», «HUAWEI» хорижий фирмалари билан ҳамкорликда амалга оширилади ва давом этмоқда. Станциялараро алоқа сифатини ахшиллаш учун телефон тармоғини рақамлига ўтказиш концепцияси бўйича иш олиб бориляпти. Хўш, шаҳар телефон тармоғи сифатини яхшироқ даражага кўтариш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда.

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ

қуйидаги кафедралар бўйича бўш (вакант) ўринларга танлов эълон қилади:

- 1. Ер тузиш ва ер муносабатлари - ассистент (2).
2. Ҳисоблаш математикаси ва математик моделлаштириш - доцент (1), ассистент (1).
3. Ўзбекистон тарихи ва ҳуқуқ асослари - ассистент (1).
4. Гидравлика - ассистент (1).
5. Қишлоқ хўжалиги қурилиши - доцент (1), катта ўқитувчи (1).
6. Гидромелиорация ишларини механизациялаштириш - ассистент (2).
7. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини автоматлаштириш - катта ўқитувчи (2).
8. Қишлоқ ва сув хўжалиги ишларини ташкил қилиш технологияси ва бошқариш - доцент (2).

Танловга аризалар қабул қилиш мuddати эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой. Танловда қатнашишни хоҳловчилар Тошкент ш., Қори-Ниёзий к., 39-уй, ТИХЖИИ кадрлар бўлимига мурожаат қилишлари мумкин. Телефон 137-19-49. Ректорат.

APKAL-G (глюконат кальций 500 мг)
Реклама ва эълонлар 136-09-25
Изаэт АХМЕДОВ суҳбатлашди.

Ўт сафроси (буйракдаги), ошқозон-ичак оғриқларида самарали дори
АСПАЛЬГИН
Бу дори кучли оғриқни босади

ШАҲАР ДОРИХОНАЛАРИДАН СЎРАНГ
(500 мг аналгин) оғриққа қарши куч.

Оғриқ
ШАҲАР ДОРИХОНАЛАРИДАН СЎРАНГ
(500 мг аналгин) оғриққа қарши куч.

«Ўзбекистон» давлат акционерлик компанияси
Савиджа МУҲИДИНОВ
Махму МҲАМЕДОВ

«Конституция — бахтимиз пойдевори»

Мустақиллигимизнинг қонуний пойдевори — Конституциямизни ўрганиш, мазмун-моҳиятини ёшлар ўртасида тарғиб ва ташвиқ этиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бири. «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси бу соҳада бир қанча хайри ташаббуслар амалга оширмоқда. Жумладан, мамлакатимиз пойтахти, барча вилоят ва шаҳарларда бир қатор олий ўқув юртилари ва муассасалар билан биргаликда ташкил этилган «Конституция — бахтимиз пойдевори» мавзусидаги расмлар ва фотосуратлар кўргазмаси муваффақиятли ўтди.

«Энгил эса ушма Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, «Маҳалла» жамғармаси, Олий Мажлиснинг Демократик институтлари, нодавлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи боқадиган органлари кўмитаси, Бадий академия билан ҳамкорликда «Конституция — бахтимиз пойдевори» шiori бўлди.

«Маънавиятда тежаш мумкин эмас» деган таъкидлари бу мақбара қурилишида ўз ифодасини топди. Буюк алломанинг 1225 йиллик тўйи арафасида битказилган меъморий мажмуанинг қурилишига қарий 2 миллиард 200 миллион сўм маблағ (жумладан, 1 миллион 150 минг АҚШ доллари) сарфланди. Лекин ислом маданиятини қайта тиклаш билан боғлиқ ишлар Имом ал-Бухорий мақбарасини тавмирлаш билан чекланиб қолмади. Утган 10 йиллик вақт давомида (1991-2001 йиллар) давлат томонидан 16 меъморий ёдгорлик тавмирланди, диний мақсадларда фойдаланишга топширилди. Бу улкан қурилишлар учун жами 3 миллиард 13 миллион 900 минг сўм маблағ сарфланди. Эътиборли шундаки, Ўзбекистонда дин давлатдан ажратилгани бос диний ёдгорликларнинг аянчи аҳолига давлат «қўзини юмиб туриши» ҳам мумкин эди. Обидаларимиз тавмирланди, диний идораларнинг тасарруфига ўтказилмаётган бир пайтда ўзларини соф ислом тарafdори деб атовчилар ўз ақлолларининг қабрларини бузишга тутиналиди. Ана энди ўзингиз худоса чиқаравингиз: ким чин мусулмондас хос йўлни тунди-ю, ким шайтон ишдан ботди?

Мустақиллик йилларида имом Абу Исо ат-Термизийнинг 1200 йиллиги, Махмул Замаҳшарийнинг 920 йиллиги, Баҳоуддин Нақшбанднинг 675 йиллиги, Нажмиддин Кубронинг 850 йиллиги, Хожа Аҳрор Валийнинг 600 йиллиги кенг нишонланди, уларнинг нишонсиз қабрлари тикланиб, муқаллас қадимжоларга айлантирилди. Бу забардаст айомларнинг бебаҳо асарлари чоп этилиб, халққа етказилди. Бироқ бой диний меросимизни шарҳлашда масхуриятга баъзи имом-хатибларнинг савияси етарли эмаслиги маълум бўлиб қолди. Чунки бу вақтда келиб, уч-тўрт ой қориларга қатнаган ёш йигитчалар ҳам диний рутбаларни қабул қила бошладилар. Уринди савол туғдилади: нима учун боча болаларига тарбиячи бўлиш учун камида икки йил ўқиш керак-у, одамларнинг қалбиди имонни қарор топтириш учун махсус билим керак эмас? Ваҳоланки, ислом мамлакатларида диний маълумот олиш учун ўқиш камида саккиз йил давом этади.

Бу масала ҳам Президентнинг назаридан четда қолмади. Мустақилликнинг дастлабки йилдаёқ Тошкент шаҳрида «Кўкалош», Наманган шаҳрида «Мулла Қирғиз» ва Урганч шаҳрида «Фахриддин ар-Розий» Ислом ўрта махсус билим юртилари фаолият юрита бошладилар. Кейинчалик бундай ўқув юртилари барча вилоятларда ташкил этилди. Хаттоки 1993 йил 22 ноябрда Тошкент шаҳрида «Халичаи Кубро» номли аёл-қизлар Ислом ўрта махсус билим юрти иш бошладилар. Диний меросимизни янада чуқурроқ ўрганиш мақсадида 1995 йил 19 майда Вазирилар Маҳкамасининг қарори билан Халқаро Ислом тадқиқот марказига асос солинди. 1999 йилда эса Президентнинг Фармони билан Тошкент ислом университети ташкил этилди. Бу вақтда «ислом ҳимоячи»лари дунё мусулмонларига «Ўзбекистон — даҳрийлар мамлакатига» деб жар солишдан нарига ўтмадилар. Ана энди яна ўзининг фарқлаб олинган ким исломга хизмат қилмапти-ю, ким ундан тасқара башарасини яшириш учун ниқоб ясапти?

ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН СОТИЛАДИ:
ИЙЎЛКА ТОШТАХТАЛАРИ
Эътибор берилган имонияти бор.

ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН СОТИЛАДИ:
ИЙЎЛКА ТОШТАХТАЛАРИ
Эътибор берилган имонияти бор.

лашга мўлжалланган спорт заллари жойлаштирилган эди. Масжид хали қуриб битказилмасдан туриб, у ерда турли жанговар машғулотлар бошлаб юборилар эди. Ваҳоланки, мусулмончиликда масжидлар намоз ўқиш, тоат-ибодат қилишга мўлжалланган муқаддас макон ҳисобланади. Ахир масжидлардан жангариларнинг тайёрлаш учун фойдаланиш Худоба шак келтириш, қони гуноҳ эмасми?

Шу ерда ёқин ўтмишдан яна бир мисол келтириш ўринли. Тошкент шаҳридаги жиноий гуруҳлардан бирининг бошлиғи бўлган Шўхрат исми кимса жиноятларини яшириш учун ўзини «этиқол курашчиси» деб эълон қилди. 90-йилларнинг бошида у Исломга хизмат қилиш ва масжид қуриш ниқоби остида «илоҳий эҳтиёжлар учун» ракет, киднеппинг (қариндошларидан маблағ ундириш мақсадида кишиларни гаровга олиш), эгаларидан маблағ ундириш мақсадида автомобилларни ўғирлаш билан шуғулланиди. Маълумотларга кўра, бу дин курашчиси» бошчилигидаги жангарилар йилгилан маблағнинг жуда оз қисминини масжид қурилишига сарфлагандилар. Маблагнинг катта қисми эса Шўхрат ва унинг ҳамтовоқлари қайфу сафосига сарф қилинган. Бунда ислом ҳаром-қарий ишлар учун ниқоб вазифини ўтаган, холос.

Яна бир мисол. 90-йилларнинг бошларида Наманган шаҳрида тартиб-интизомни сақлаш мақсадида спортчи йигитлар биришладилар. Хуқуқ-тартибот органларининг баъзи ходимлари бир қанча ўғри, арокхўр ва жамоат тартибни бузувчиларни тўғеки тўғри йўлга солган бу гуруҳнинг кучи ва алолати ҳақида хатто мақнабин ҳам юрдилад. Х.Сотимов томонидан бошқарилган бу гуруҳнинг «хулқни тузатиш» операциялари диний суҳбатлар шаклида, бу ҳам таъсир қилмас, жисмоний зуравонлик усулида ўтказилар эди. Натيجида бир неча киши ўз хулқини «ўзгартириб», тартиб-бузардан намунали диндорга айланди-қолди. Лекин бу гуруҳнинг асл мақсади кишиларни тўғри йўлга солиш эмас, балки ўз «жангари» гуруҳларининг сафини кенгайтириш эди. Акс ҳолда, уларнинг Конституцияга эид равишда ўзбонимчилик

билан одамларни шарият асосида сул қилишларини қандай изохлаш мумкин? Бу ёшлар охири-оқибат «мусулмонларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш» шiori остида ракет, босқинчилик ва товламачилик йўлига қирадилар. Боз устига, ўз жинояти учун жазолан қочган бу ёшларнинг бир қисми халқаро экстремистлар томонидан ёлланиб, ўз Ватанларига қурол кўтариб қирдилар. «Мусулмон жамоасини турли иллат ва даҳрида ишлардан тозалайми!» — деган бандандаров шiorларни дастак қилиб олган бу кимсалар аслида Ватанимизнинг азиз туғроғини нарқобиз-неес қаровни ўтадиган сўқмоққа айлантиришга хизмат қилмадилар. Уларнинг қабиҳ жиноятлари учун туланаётган бебилиска пуллар ҳам асли ҳаром йўлар билан тулланганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Энди ўзингиз ўйлаб кўринг: бу гуруҳлар учун ислом қандай вазифини ўтади? Юртин обод қилган одам чин мусулмонми ёки уни вайрон қилиш ниятидаги кимсамми? Ким ўз халқига, жамиятга, мусулмонлар қавмига чин дилдан хизмат қилмапти? Чин мусулмон ким? Фикримизча, бунни изохлашнинг ўржати қолмади. Шундай бўлса-да, яна бир қайсар факт: 1992 йил 16 декабрда Президентнинг Ислом Каримовга энг нуфузли билим даргоҳи — Қоҳирадаги «Ал-Азхар» университетининг доктори фахрий унвони берилди. Фақатгина ислом оломининг забардаст уламоларига бериладиган бу унвон Юртбошимизга бежиз nasib қилмади. Университет илмий кенгаши ушбу унвонни Ислом Каримовга «ислом динининг ҳимояси ҳақида мусулмон олий ўқув юртилари ўртасидаги алоқаларни мустақамлаш бора-борасидаги хизматлари учун» беришни лозим деб тоиди.

Барчамиз Президентимизнинг муқаллас Каъбатуллоҳда туриб, «Юртимиз мустақиллигини мустақамлашда ўзинг раҳнамо бўл, Худо» деган илтиқолари бундан буён ҳам ижобат бўлишига тилакдоримиз. Биз чин мусулмон ким эканлигини яхши биламиз.

Озод АББОСХҲАЕВ.

КИМ?

морий обидани тиклаш ишларини моддий таъминлаш мақсадида халқаро Имом Бухорий жамғармасини ташкил этиш ҳақида келишиб олинди.

Кўпгина хорижий мамлакатларнинг ислом меъморчилиги билан шуғулланидиган машҳур архитекторлари, илмий жамоалари танловда иштирок этидилар. Танловнинг охири босқичида бешта энг кучли лойиҳа катнашиб, Олмоннинг доктор Бодо Раш раҳбарлигидаги меъморлар гуруҳи томонидан тақдим этилган лойиҳа биринчи ўринни эгаллади.

Лекин афсуслар бўлсинки, танлов ҳайати аъзолари ва танлов иштирокчилари Ўзбекистон миллий меъморчилигининг ўзига хос хусусиятларини яхши тушунаслигини оқибатда голиб чиққан лойиҳа кўпроқ араб меъморчилиги услубида яратилганлиги маълум бўлиб қолди.

Лойиҳада тасвирланган мақбара қадимий Самарқанднинг маданий-тарихий урлинишига ва меъморий услубига месо келмас эди. Боз устига, Имом ал-Бухорий халқаро жамғармасини ташкил қилиш, унинг асосий вазифаларини белгилаш, машҳур бобокалонимизнинг мажмуини қуриш ва унинг диний таълимотиини ўрганиш масалаларида ҳам баъзи келишимчиликлар пайдо бўлди. Махмул Самарқандда барпо қилинса-да, жамғара Буюк Британиянинг Оксфорд ислом тадқиқотлари марказида ташкил қилинажати ва жамғармага тушган маблағлар бошқа мақсадларда ҳам сарфланиши мумкинлиги таъкидланди. Бунда ўтиш давридаги иқтисодий қийинчиликлар рўқач қилиниб, Имом ал-Бухорий мақбарасини қуришда Ўзбекистоннинг хорижий ёрдамга муҳтожлиги шаъма қилинди.

Мақбарани тиклаш ишлари турли сабаблар билан

кечиктирилётганидан хабар топган Президентимиз улуғ бобокалонимизга ҳурмат бажо келтириш, муулмон дунёсининг фахри бўлган Имом ал-Бухорий ҳазратларининг мақбараларини тиклаш ва уларнинг 1225 йиллик тўйларини жаҳон миқёсида нишонлашни ўз зимамизга олишимиз кераклигини уқтирди. Буюк зотларини қадраган юрт ҳаммиса мунаваар бўлишини билган Юртбошимиз ўтиш даврининг қийинчиликларига қарамастан, бу меъморий обидани қуришда маблағни тежамаслиқни таъкидла-

ди. Ҳақиқатан ҳам, Президентнинг орзулари ушадли, ниятлари амалга ошди. Тез орада Ўзбекистон мўғтабар зиёратгоҳ ўлкага айланди. Дастлаб ватандошларимиз, сал ўтмай, Индонезия, Малайзия ва бошқа хорижий мамлакатлардан келган зиёратчилар ҳам Ҳаж сафарига отланишдан илгари Имом Бухорий мақбарасига қадам ранжиди қилишини одат қилдилар. Ҳақиқий мусулмоннинг покиза тилаклари бундай ижобат бўлиши Худонинг ўзи унинг хайрли ишларини қўллаб-қувватлашининг белгиси эмасми?

Президентимизнинг «Маънавиятда тежаш мумкин эмас» деган таъкидлари бу мақбара қурилишида ўз ифодасини топди. Буюк алломанинг 1225 йиллик тўйи арафасида битказилган меъморий мажмуанинг қурилишига қарий 2 миллиард 200 миллион сўм маблағ (жумладан, 1 миллион 150 минг АҚШ доллари) сарфланди. Лекин ислом маданиятини қайта тиклаш билан боғлиқ ишлар Имом ал-Бухорий мақбарасини тавмирлаш билан чекланиб қолмади. Утган 10 йиллик вақт давомида (1991-2001 йиллар) давлат томонидан 16 меъморий ёдгорлик тавмирланди, диний мақсадларда фойдаланишга топширилди. Бу улкан қурилишлар учун жами 3 миллиард 13 миллион 900 минг сўм маблағ сарфланди. Эътиборли шундаки, Ўзбекистонда дин давлатдан ажратилгани бос диний ёдгорликларнинг аянчи аҳолига давлат «қўзини юмиб туриши» ҳам мумкин эди. Обидаларимиз тавмирланди, диний идораларнинг тасарруфига ўтказилмаётган бир пайтда ўзларини соф ислом тарafdори деб атовчилар ўз ақлолларининг қабрларини бузишга тутиналиди. Ана энди ўзингиз худоса чиқаравингиз: ким чин мусулмондас хос йўлни тунди-ю, ким шайтон ишдан ботди?

Мустақиллик йилларида имом Абу Исо ат-Термизийнинг 1200 йиллиги, Махмул Замаҳшарийнинг 920 йиллиги, Баҳоуддин Нақшбанднинг 675 йиллиги, Нажмиддин Кубронинг 850 йиллиги, Хожа Аҳрор Валийнинг 600 йиллиги кенг нишонланди, уларнинг нишонсиз қабрлари тикланиб, муқаллас қадимжоларга айлантирилди. Бу забардаст айомларнинг бебаҳо асарлари чоп этилиб, халққа етказилди. Бироқ бой диний меросимизни шарҳлашда масхуриятга баъзи имом-хатибларнинг савияси етарли эмаслиги маълум бўлиб қолди. Чунки бу вақтда келиб, уч-тўрт ой қориларга қатнаган ёш йигитчалар ҳам диний рутбаларни қабул қила бошладилар. Уринди савол туғдилади: нима учун боча болаларига тарбиячи бўлиш учун камида икки йил ўқиш керак-у, одамларнинг қалбиди имонни қарор топтириш учун махсус билим керак эмас? Ваҳоланки, ислом мамлакатларида диний маълумот олиш учун ўқиш камида саккиз йил давом этади.

Бу масала ҳам Президентнинг назаридан четда қолмади. Мустақилликнинг дастлабки йилдаёқ Тошкент шаҳрида «Кўкалош», Наманган шаҳрида «Мулла Қирғиз» ва Урганч шаҳрида «Фахриддин ар-Розий» Ислом ўрта махсус билим юртилари фаолият юрита бошладилар. Кейинчалик бундай ўқув юртилари барча вилоятларда ташкил этилди. Хаттоки 1993 йил 22 ноябрда Тошкент шаҳрида «Халичаи Кубро» номли аёл-қизлар Ислом ўрта махсус билим юрти иш бошладилар. Диний меросимизни янада чуқурроқ ўрганиш мақсадида 1995 йил 19 майда Вазирилар Маҳкамасининг қарори билан Халқаро Ислом тадқиқот марказига асос солинди. 1999 йилда эса Президентнинг Фармони билан Тошкент ислом университети ташкил этилди. Бу вақтда «ислом ҳимоячи»лари дунё мусулмонларига «Ўзбекистон — даҳрийлар мамлакатига» деб жар солишдан нарига ўтмадилар. Ана энди яна ўзининг фарқлаб олинган ким исломга хизмат қилмапти-ю, ким ундан тасқара башарасини яшириш учун ниқоб ясапти?

90-йилларнинг бошларида баъзи одамларнинг маҳалларда масжидлар қуриш йўли билан ўзини мусулмон қилиб кўрсатиши одат туенга кирган эди. Улар орасида маърифатини харом топилган даромадлари эвазига қурувчи ва масжид қуриш боҳонасида ўзининг қабиҳ ниятларини амалга оширувчи кимсалар ҳам йўқ эмас эди. Масалан, 90-йилларнинг ўрталарида Фаргона водийсида қурилган баъзи масжидларнинг ертўлаларида жангариларни тайёр-

«Имом ал-Бухорий сабоқлари»

Журналнинг навбатдаги сони нашрдан чиқди



Имом ал-Бухорий халқаро жағмага томонидан мунтазам равишда муштарийлар қўлига етказиб берилаётган «Имом ал-Бухорий сабоқлари» маънавий-маърифий, илмий-адабий, рағбат-бевақо журналнинг 2001 йилдаги 2-сони нашрдан чиқди. Ушбу сон мустақиллик иншоот этан энг буюк неъматлардан бири — Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган.

Унинг саҳифаларидан Куръони каримнинг республикамизда сақланаётган нодир нусхалари ҳақида ҳикоя қилинадиган «Абдид барҳат аёт китоб» руқни остида Фанлар академияси Шарқшунослик институтида сақланаётган қадимий нусхалар ҳақида таниқли манбаънос М. Ҳасанининг «Қуфий хатда ёзилган Куръонлар» номли қизиқарли мақоласи жой олган.

Шайх Юсуфхон Шокир ҳақида ҳикоя қилинган. Шунингдек, журнал саҳифаларидан У. Уватов таржамасида берилаётган Шайх Абдуллоҳ ал-Муборакфурийнинг «Сайрат ал-Имом ал-Бухорий» асарининг давоми, яқинда юртимизга ташриф буюрган дунё нақшбандия тарихати издошлари раҳбари Шайх Муҳаммад Нозим Одил ал-Ҳаққоний билан мулоқот, таниқли драматург А.Иброҳимовнинг Тошкент тарихига бағишланган «Кечмишдан мўжада» мақоласи ва бошқа мақолалар ўрин олган.



Сўлим боғда сайр

Ҳар йили эрта кўкларда дарахлар япроқ ёзиши билан, самарқандлик кексаю ёш бу сўлим ўшага интилади. Айниқса, дам олиш кунлари ва кечки пайтларда боғ гавжумлашади. Ҳордиқ чиқарувчилар бир пилла чой устида гурунлашади, теннис, бильярд, шахмат-шашка ўйнашади. Болаларни айтмайсизми? Атракционлардан бир қадар нари жилгиси келмайди, уларнинг Чархилакда юксакликка кўтарилиш аришмоқ учини сув қайиқларида сайр этиш — барибари болакайлар учун сеvimли маш-

ғулот. Гўё бу онда жажжи ўли-қизларнинг беғубор қалбларига бутун олам шодлик жамлангандай. Боғ ўртасидаги саҳнада куй-қўшиқ янрайди. Она-Ватан, мустақилликни мадҳ этувчи тароналар дилларни яратди. — «Номингдан айланай, Ўзбекистоним!» фестивали бўлиб ўтди, — дея изох беради маданият ва истироҳат боғининг директори Фарҳод Жалилов. — Туманларнинг санъаткорлари навбатманавбат чиқиш қилиши, мустақиллигимизнинг ўн йил-

ларбоп санъат асарларидан намуналар ҳам шу жойга қўйилган. Боғда маданий талбирлар, концертлар ўтказишга мўлжалланган амфитеатр қурилган. «Илонлар кўрғазмаси»га илк бор кирган киши эса илонлар, эчкиэмар, ҳатто узоқ юртлардан келтирилган кичик тимсоҳни кўриб, ҳайратдан ёқа ушлаши табиий. — Биз Тошкент вилоятининг Бекобод туманидан келдик, — дейди мазкур тумандаги 3-мактаб ўқитувчиси Зебинисо Мақсудова. — Ўқув-

Абдул РАСУЛ, «Жалқ сўзи» муҳбири.

Металлургулар

Бухоро вилояти ички ишлар ходимлари Ёқудов тумани Зафаробод кўрғонда жойлашган Навоий тоғ-металлургия комбинатига қарашли 5-сон бошқармасининг 1-печи ҳудудидан металл қувур ўғирланганидан хабар топдилар. 425 диаметрлик, қаллиғи 8 мм бўлган, жами узунлиги 25 метр ва умумий баҳоси 5 миллион 384 миң сумликдан зиёд зангламайдиган металл қувурларнинг қидиришига киришди.

Олиб борилган тезкор тадбирлар натижасида ўғирчиларни бегоналар эмас, балки шу пилла ёмон бошлаган бўлаб ишловчи Махмур Курбанов, қоровул Уйғур Саидов ҳамда шу ҳеч ишчи Шуккур Исроилов, Навбахор тумани ногиронлар жамятида таъминотчи бўлиб ишловчи Тулкиш Шомуродовлар солиқ этганини маълум бўлди.

Шунингдек, Сирдарё вилояти Меҳнатобод тумани ички ишлар бўлими ходимлари шу туманда истиқомат қиладиган, муқаддам бир неча мартаба судланган Виктор Радченко, Собир Усманов, Александр Татарчук, Илхом Курбановлардан иборат уюшган жиноий гуруҳни қўлга олишди.

Утган йилнинг декабр ойидан бошлаб ушбу турк Меҳнатобод туманининг «Янгер» ширкат ҳўжасида янги ўтган «Янгер — Тошкент» магистрал газ қувурларини назорат қилиш тармоғига қарашли симёғочлардан жами 15 километр масофадаги А-70 русумли юқори кўчанили алюминий симларни мунтазам равишда билдирмадан ўғирлаб келиш. Бирок етказиб берилган «Янгер» ширкатнинг «Янгер» ширкат ҳўжасида янги ўтган «Янгер — Тошкент» магистрал газ қувурларини назорат қилиш тармоғига қарашли симёғочлардан жами 15 километр масофадаги А-70 русумли юқори кўчанили алюминий симларни мунтазам равишда билдирмадан ўғирлаб келиш.

Овғини ўйлаб босишмагани...

Сирдарё вилояти ички ишлар бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган тадбирлар натижасида Эддиберди Туреукулов ва унинг шериклари Фахриддин Урозов, Юнус Файзуллаев олдидан жиноий тўғи бириктириб, 500 грамм теровин — қутил таъсир этувчи пилламли моддасини 1700 АҚШ долларига сотаётган вақтда қўлга олинди. Бундан ташқари, фуқаро Э. Туреукуловнинг хонадон кўздан кечирилганида, ноқонуний равишда сақланаётган уч дона оқ қурол борлиги ҳам маълум бўлди.

Шунингдек, Янгер шахрига «меҳмон»га келган 27 ёшли тоjikistonлик Шарифа Носирова ички ишлар ходимларида шубҳа уюлди. Текшириб қўрилганида, унинг сумкасида буюмлар орасига яширилган 250 грамм теровин — наркотик моддаси топилди.

Жаҳонда камсухан ким бўлди, асрори нихон бўлди. Кимке сўзлади кўп, билки, расвойи жаҳон бўлди.

Ҳатто гўрқовнинг кетмонидан ҳам ширин оруз, гўзал мақсад бўлиши мўмкин. Гузардаги хотинлар ҳаммомини ҳусусийлаштириб олишдек эзгу ниятини овозлаб кўйиш учун маҳалла оқсоқолининг ҳузурига отланиб турган Эсонхўжа кўча эшикдан безаройиб кириб келаётган Карноқни кўриб, эсаси қотди. Унинг тулкитиржайиш тарзида берган саломига алиқни исрофлаб ўтирмай, афтини тириштирганича жағидаги соқолини қашлади.

— Бевақт келидинг, шобиш турувдим, — дея Карноққа арслонланиб қиялади у. — Қолаверса, қарзини узмай юрган номардор билан гапашадиган гапим йўқ. Эсонхўжам, Карноқ, сулла, етти сўм қилиб бераман деб, саксон тўққизинчи йилда олти сўм қорз олдингиз? Ушанда етти сўмга иккита — кейин бошқа арзингни эшитаман.

Карноқдаги тулкитиржайиш туйқуқ бўриқурайишга айланди. — Сизни одам деб, катта пул масаласида маслаҳатлашгани келсам... Э, ўрилдим!

Карноқ зардаланиб орта ўтриларкан, Эсонхўжа сергак тортиди. — Тухта! Қанақа пул? — леда кўзи йиттириб.

Карноқ дарҳол аразини йиғиштириб, утган кўни носқовоги синиб қолган, ахлатхонадан кичикроқ носқовога қидириб юриб, сувқогозга урғулик бир тутам доллар топиб олганини мароқ билан сўзлашга тушди. Нарироқда ҳовли супуриб турган беканинг супуриши қўлидан сирганиб, ярқ этиб Карноққа юзланди.

— Доллар? Ахлатхонада-я?! Эсонхўжа ҳам нарта тортиб юборди: — Бир тутам дедимми?! — Ҳа энди, бир тутам бўлгандан кейин, бир тутам дейман-да, — талтанганлиб жаваб қилди Карноқ.

Эсонхўжанинг дафъатан чеҳраси ёришди. Карноққа ҳушомаланиб кўчюк очди: — Ие, ие, ие! Ассалому алайкум, Карноқ бойвачча. Бир ачомлачиб қўйяйлик. Соғ-саломатмилар? Бола-чақалар тинч-оминми? Қани, қани, сўрига юрсинлар... Мاستона! Битта аччиқ чой дамлагин...

Эсонхўжа Карноқни сўрининг тўрироғига ўтириштириб, ишқоминг айрисига илган дастурхонини олиб, ўртага ёлди. Ҳаял ўтмай, Мастона ҳам пайдо бўлди — чойнак-пилла, нон, турти ноз-неъмат солинган катта барқашини кўтариб келиб, эрига узатди. Эсонхўжа барқашини олаётиб, қайноқ босилмаган шўрвадан меҳмонга бир коса қўйиб келишни хотинига тайинлай бошлаган элиқни, Карноқ писмайиб гап қисптиди:

— Илтимос, Мастонабону, идиқли устихони алоҳида бир товоқчага соқелсангиз. Шўрвадаги биттаю битта устихонини ўзи гажиб, илдинги ҳам қоқлаб егани Эсонхўжанинг эдига тушди ва хотинининг қўлигига шипшитди:

— Устихон итни олдинга етиб бормаган бўлса, атрофига гўшт ёпиштир. Илқини ўригига думбаёлдан тиквор.

Карноқ узатилган чойни олиб, «сал соғувим ошиб турувди», дея уни пилладиги асалнинг устига қўйди, нон билан аталади, ҳузурдан лабини чапиллатиб-чапиллатиб қўйяй кетди.

— Аини совуғингиз ошганда, бизни асалда гўл кептурганингизни қаранг, — леда Эсонхўжа гезариб. — Ҳм... Шундай қилиб, бир тутам доллар топоволдим денг?

— Ҳа, роса бир тутам, — қавшаниб бош қимирлатди Карноқ. — Мен сизга айтсам, иллари долларни бирорларнинг қўлига яширишга кўриб юрардим. Тап этиб қадимига қўнди-ю, ўзини қайси қавкака чиқаришни биймайл қолдим.

— Хех-хех-хех... Узингизни сақли қийнабсиз, Карноқ бойвачча. Долларни топи-

ЎЗБИКИЗМИ?

боқ, тезда бизга ўшаганлар билан кенгашилдилингиз керакдир. — Халиям шунақа қилдим. Шолмон бизнесчи эсимга тушди-ю, тўғри ўшани олдинга югурдим.

Эски душманининг номини эшитиб, Эсонхўжанинг тўсатдан феъли айинди. — Ним-а?! — деб бужирди газаби қайнаб. — Уйимда ўтириб, Шолмоннинг отини аташга қандай ҳаддингиз, Карноқ сулла! Долларингни келиб-келиб ўша мангага пулладингми? Тур ўрингдан! Қорангни ўчириб ердан! Жуна!

Эсонхўжа Карноқнинг ёқасидан тутамлаб, кўча сари судрали. — Э, ёқамни қўйворинг-е! — Карноқ бир сийланиб, ўзини халос қилди. — Нима, долларимни Шолмонга бериб қўйибманми? Қал-

Advertisement for 'Sudjurning zifrat' (Хажвия) by Anvar Obidjon. The text is large and stylized, with a small portrait of the author.

лоблиги эсимга тушиб, ярим йўлдан шартта орқага қайтвордим. Эсонхўжанинг қиёфаси зумда ўзгарди, «бағо-о-я» таъқул иш қилсиз, Карноқ бойвачча — дея илжайиб боқди, Карноқни қўчоқ мулозамат ила яна сўрининг тўрироғига ўтиргизди.

Мастона шўрва билан устихонни алоҳида идишларда келтириб, дастурхонга қўйиб кетди. Карноқ ютинганча ятақининг енгини шимарди. Косадаги шўрвани тўрт-беш симиришда гўмол қилиб, йиртқичона ваҳожат билан устихонга ёпишди.

— Қайнайвериб, этти сукдан ажраб кетибди-ку, — дея гўштини олиб, бутунча озгина тикди у ва чайнаётиб гўлдирди. — Қизик! Суяги қўйиники-ю, гўшти молниқий-я?

— Бу замонадаги ҳайвонларга тўшуниб бўлмай қолди, Карноқ бойвачча, — бурни каби дўнғалак бошомолдони тасбеҳ доналарини суратиб, қироят билан сўзлади Эсонхўжа. — Тунов кўни бир фермер ошманниқига борсам, эчкини боласи чўчқани амб туртибди. Ана шу улоқ улғайса, қаракисчи, суяги эчкиники-ю, гўшти чўчқаникни бўп турибди-да.

Карноқ аввал ҳам бир синиб қўрилган суякка қайта ишлов беришга уйнаётганида, Эсонхўжа гапни тагини мақсатга бурди: — Шолмон манга ниҳоятда йимонсиз одам. Бундан буюнгам биздек охирагини ўйлайдиганлар билан иш қилинг.

— Уйга қайтдим-у, жула галати ишлар бўлди, Эсон ака... Уша кўни ярим йўлдан қайтган, Карноқ долларларини қарга яширишни билмай, кечга уйда ивирсиз юрди. Охири, қоронги тушган, секим томоркага ўтди. Томорқа этагиди қўриган ариқнинг ичида ётган эски тўнука чўчқаникни кўриб, миёнига чарқалган бир фикр келди. Долларни суви қоронги чўчқаникнинг ичига тикиб, олгини тегиб бўкли ва уни ариқнинг камарига жойлаб, устига хас-хашак ташлади.

Бу гапларни эшитиб, Эсонхўжа мўтомбирона тиржайди: — Жа пикини ёрган одамсиз-да. Ниҳоятда пухта иш қилсиз. — Э, пухталигим курсин, — қўлини соқикка артаётиб, кеккири Карноқ, — Палакати кўрингки, кечаси бир ариқ сув келиб, чўчқани оқибди кетибди. Камарини чувоқчангдек титқилдим — йўқ!

— Шунингдек, журнал саҳифаларидан У. Уватов таржамасида берилаётган Шайх Абдуллоҳ ал-Муборакфурийнинг «Сайрат ал-Имом ал-Бухорий» асарининг давоми, яқинда юртимизга ташриф буюрган дунё нақшбандия тарихати издошлари раҳбари Шайх Муҳаммад Нозим Одил ал-Ҳаққоний билан мулоқот, таниқли драматург А.Иброҳимовнинг Тошкент тарихига бағишланган «Кечмишдан мўжада» мақоласи ва бошқа мақолалар ўрин олган.

Ушбу соннинг ўзига хос янгилиги унинг таркибидан «Имом ал-Бухорий авлодлари» номли ёшлар журналининг илқини қўриб олишди. «Журнал ичидаги журналда миллий-диний қадриятларимиз, ўтмишда яшаб, ижод этган буюк аждоғларимиз ҳасти ва мероси, ислом маданияти, ахлоқи фалсафаси, ёшлар ҳаётига доир ҳозирги муаммолар каби масалалар, ёшларнинг фикр ва мулоҳазалари орқали ёритилган.

Шахмат

Жаҳон биринчилиги Тошкентда

Жаҳон шахсий биринчилиги минтақавий саралаш турнирларининг унвончиси Ўзбекистонда ўтказилаётгани республикамиз ҳукуматининг спортга, жумладан, шахматга катта эътибор бераётганидан далолатлади.

Мамълумки, 1995, 1998, 1999, 2001 йилларда ғолиб чиққан Александр Ненашев ва Рустам Қосимжоновлар жаҳоннинг энг сара гроссмейстерлари сафига қўшилиб олдилар. Қуни кеча Тошкентдаги «Офицерлар уйи»да бошланган навбатдаги саралаш мусобақасида Ўзбекистон билан Қозғистондан 4-нафардан, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистондан 2 нафардан, жами 14 иштирокчи узаро баҳсга киришдилар.

Мусобақанинг дастлабки кунийқ вакилларимиз — халқаро гроссмейстерлар Сайдали Юлдашев, Шўхрат Сафин ҳамда халқаро мастерлар Марат Жумаев, Владимир Ежинлар зафар маррасини қўчдилар. 16 июнганча давом этувчи курашда энг олдинги икки ўринни эгаллаган ғолиблар тоғ талабгорлари турнирига йўлланма олдилар.

Дарвоқе, яқинда Германиядан ғалаба билан қайтган Рустам Қосимжонов ўзининг рейтинг даражасини янада оширди. Шунинг ҳисобига олган «FIDE» уни саралаш мусобақасидан овоз этиб, якуновлчи босқичда тўғридан-тўғри қатнашиш имконини яратди.

Маможон МУҲИТДИНОВ, Ўзбекистон Шахмат федерациясининг фахрий президенти.

Advertisement for 'Jumbok' featuring a chessboard and a cartoon character. The text is in Russian and mentions 'Tomda oltima chumchuk kuni'.

Томда олтинма чумчүк кўниб турган эди. Улар ёнига ила бешта чумчүк келиб қўнди. Шу вақт мушук бир сакраб битта чумчүкни тутиб олди. Томда нечта чумчүк қолди?

Кечаги жумбокнинг жавоби — олма соат. Бу ҳақда Тошкент вилоятинда Нодирбек Йўлдошев тахририятимизга кўнгирак қилди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишча топшириш вақти — 21.00. Топширилади — 21.30

1 2 3 4 5 6

«ЖАЛҚ СҮЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСАЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазиранлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати:

- Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Жалқ сўзи»), М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Жалқ сўзи»), С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУҲИДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, М. САФАРОВ, Р. ФАРҲОДИЙ, И. ХУДОЁЕРОВ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. ХОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

- Иجتимоий-сийсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60; 132-10-65
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89; 132-07-48;
Фан, соқикчи сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;
Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.

Буюртма Г — 2515, 26098 нусхалда босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қозғоз бичими А—2.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ. Навбатчи муҳаррир — И. УЎБОСАРОВ. Навбатчи — М. НОРМАТОВ. Мусоҳиҳ — М. СУЛАЙМОНОВА.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қозғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишча топшириш вақти — 21.00. Топширилади — 21.30

1 2 3 4 5 6